



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 29-iyun №27 (4477)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистони-миз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиликлар жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун баёхот неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр биз учун гоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажакимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли қўрилмаган имкониятлар очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиклолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутаяди.

Халқимизнинг асрий ораузи бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқорамиз ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллигининг йиғирма етти йиллигини муносиб қутиб олиш ва нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатга “Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!” деган ғояни ўзида мужассам этган ташки-

лий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрлансин.

Бунда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, аynиқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, иқтисодийни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт тармоқларини ривожлантириш, тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини илмий-маърифий асосда, ҳаётий мисоллар орқали очиб беришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадний кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зияли-

лар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна rassomлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиклолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусика асарлари учун “Ягонаман, муқаддас Ватан!” республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 июнь

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти соҳа ходимларига табрик йўллади.

28 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Yoshlar-kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»-ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

27 июнь кўни Президентимиз раислигида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

28 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори матбуотда эълон қилинди.


28 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»-ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

28 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XV ялпи мажлиси очилди.

Мухтарам Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорида «Уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган тўб ўзгаришларни теран акс эттиришга қаратилган юксак бадий асарлар яратишга рағбатлантириш» вазифаси ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилгани адиблар зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, ижтимоий буюртма асосида бадий асарлар ёзиш ҳам ҳозирги адабий жараённинг долзарб вазифаларидан бири сифатида кўн тартибга қўйилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Рустам Мусурмон ана шундай вазифани бажаришга бел боғлаган ижодкорлар сирасидан. У Ёзувчилар уюшмаси томонидан Самарқанд шаҳрига ижодий сафарга юборилди. Ижодкор сафар олдида ижодий режаси ҳақида шундай деди:

— Юртимиздаги жуда кўп шахару қишлоқларда бўлганман. Дашту далаларда бог яратаётган



деҳқонлар, уй-жой, йўл қурилишлари, саноат корхоналарида меҳнат қилаётган замондошларимиз билан учрашув, бунёдкорлик ишларини бевоcита кузатиш ижодкорга янги мавзулар, янги қаҳрамонлар топишнинг имкониятини яратаяди. Ватанимизнинг бугунги тараққиёти эзгу ният билан қўлغا қалам олган ижодкордан ислохотларнинг амалга оширилиш жараёнига нафақат гувоҳ бўлиш, балки унинг фаол иштирокчисига айланишни тақозо этмоқда. Бугун адибларимиз Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан мамлакатимиздаги йирик саноат

корхоналари, бунёдкорлик ишлари қайнаган меҳнат жабҳаларига бадий асар ёзиш учун ижодий сафарга отланмоқда. Устоз адиблар қаторида менга ҳам ишонч билдирилиб, “Samarkand Euroasia Textile” МЧЖ корхонаси фаолиятини ўрганиб, бадий асар ёзиш учун Уюшма томонидан йўлланма берилди. Ўшбу имкониятдан илоҳи борица самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан. Насиб этса, ўқувчиларга манзур бўладиган янги асаримни яқин кунларда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси орқали эълон қилиш ниятидаман.

БУТУН ОДАМ БЎЛАЙЛИК!

Бизларга насиб этган бугунги дамлар ҳақида гапирар эканмиз, шундай эзуликларни орзу қилиб дунёдан ўтган юрдошларимиз ҳаёлимизда жонланади. Жаҳид деб номланган айбнома билан маҳкум этилган Абдулла Қодирий, Фитрату Чўлпон, Бехбудий ва Камий янги ўнлаб, балки юзлаб ватандошларимиз сафидан кичик жусса, аммо фикрию зикри, бор бўйи билан бутун саналган забардаст ижодкор Сирожддин Сидқий Хандақлиқий ҳам бор эди.

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЮРТИМ БАҲОРИНИ ЁЙГИН ДУНЁГА

Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари олдида

Адабиётимиз бонда ижодий жараёнга, ижодкорларга, аynиқса, ёш қалам соҳибларига эътибор ҳеч қачон бугунгичалик меҳрли-оқибатли бўлмаган. Ёш истеъдод эгаларининг ҳаяжонга тўла адабий давралари, шеържонлик, ижодий учрашувлар, нуфузли танловлар мамлакатимизда муттасил ўтказилмоқда. Атоқли устозлар номидида маҳорат мактабларининг фаолиятига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Уларда таълим олаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам машҳур шоир ёки ёзувчи бўлиб вояга етмаслиги мумкин, аммо шу мактабларнинг бугунги ўқувчилари орасидан чинакам ватанпарвар, элсевар, юртсевар, садоқатли, дунёқараши эзгу инсоний фазилатлар асосида шаклланган, фикри тинч инсонлар етишиб чиқиши аниқ. Бу – ҳар қандай жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан мамлакатимиз вилоятларида бўлар эканман, тўйгулари булоқ янглиғ тўлиб-тошган, ҳис-ҳаяжонлари қоғозга сиғмаётган, орзулари кўк қадар баланд ёш қаламкашларни кўриб, уларнинг машқлари билан танишиб, баҳс-мунозараларига қўшилиб, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Давоми учинчи саҳифада.

КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Ҳар гал ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ҳақида гап кетганда, лаҳзада ҳаёлан йиғирма йилдан зиёд масофани забт этиб, бўзбола чойимга қайтаман.

Самарқанд давлат университетидан бирга тахсил олаётган ижодкор дўстларим билан Тошкентга – “Дўрмон” ижод бонига келганимиз, бу ерда автобусларга ўтириб Зомин сари йўл олганимиз ёдга тушади.

Ўшанда шеър ҳаёлидан бошқа дардимиз, ташвишимиз йўқ эди.

Ўшанда адабиётимизнинг фахри, файзи бўлган жуда кўплаб устозларимиз ҳали ҳаёт эди.

Ўшанда Жиззах вилояти раҳбари бўлиб ишлаган жонқуяр, адабиётимизнинг катта дўсти бўлган фидойи Инсоннинг ташаббуси, бевоcита қўллаб-қувватлаши туфайли муҳташам анжуман ташкил этилган етиштиб, кўнглимиз миннатдорлик тўйгуларига тўлган эди.

Бугун бу миннатдорлик ҳисси юз чандон ошди, десак самимий, кўнглидаги гапни айтган бўламиз. Қисқа фурсатда

пойтахтимиз марказида Адиблар хиёбони ташкил этилиб, Ёзувчилар уюшмаси учун кўркам, ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирарлиган бино қуриб берилгани, ижод аҳлига, хусусан, устоз шоир-ёзувчиларимизга кўрсатилган юксак эҳтиром, атоқли адибларимиз номидида ижод мактаблари очилиб, ёш истеъдод эгаларига ғамхўрлик қилинаётгани, китобхонлик тарғиботи давлат миқёсидаги улкан ишга айлانгани – буларнинг барчаси бизни ҳам хурсанд қилади, ҳам зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

МАЪРИФАТ МАНБАИ КИТОБ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ қалам аҳли қаторида менинг ҳам мумтоз адабиётимизни тадқиқ ва тарғиб этиш соҳасидаги ижодий ишларим юксак даражада кадр тоғанидан – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига муносиб кўрилганидан беҳад хурсандман. Бу тақдирловни мамлакатимизда сўз санъатига, илмга эътибор юқориликдан деб биламан. Халқимизга

Изҳор

ёш намуналарини ҳам барчага бирдек манзур тарзда тайёрлаб нашр этиш вазифасини олдимизга қўйдики, бу биз олиму ноширлардан фаоллиқни, илмий тараққиётни талаб этади. Аynиқса, мумтоз асарлар матнининг тўғри, пишиқ-пукта бўлиши бизга катта масъулият юклайди. Бу масалада матбуотда адабий-илмий баҳс-мунозаралар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Китобхонликка иштиёқни оширишда ҳам бадий асарлар ҳақидаги мунозараларнинг аҳамияти катта. Ўшбу жараёнда айтиладиган фикр-мулоҳазалар китобхонлар эстетик дидининг ўсишига, маънавий бийишига хизмат қилади. Алишер Навоий бобомиз яшашдан мақсад маърифатли бўлишдир, дейдилар. Маърифат эса, китобдодир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан мукофотланган ҳамкасбларимиз орасида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси масъул котиби Асрор Сулаймонов ҳам борлиги биз учун қувончлидир. Қарийб ўттиз йилдан буён газетамизда фаолият кўрсатиб келаяётган ҳамкасбимиз “Шуҳрат” медалига сазовор бўлгани билан таҳририят ходимлари, ҳамкасблар ва газетхонлар номидан муборакбод этамиз.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бутун жисму жони билан Ватанини севган, умрининг сўнгги кунига қадар уни улуғлаган шoir ҳаётда бутун одам қанақа эканлигини алоҳида таърифлаган эди... "Одам уч хил бўлур, — дея ёзган эди Сидқий, — бутун одам, ярим одам, одам ҳисобинда бўлмаган одам. Бутун одам улдирик, ўз ақлига иш буюриб, кас-бу қорға машғул бўлур, киришур ва тиришур. Ярим одам улдирик, бирон ишнинг ўқасидан чиқа олмас, аммо ўзганинг иршоди (далолати) бирла ишга киришур ва тиришур. Одам ҳисобинда бўлмаган одам улдирик, на унисининг ва на бунисининг ўқасидан чиқар... Бундай қимсалар текинқурлар ва дангасалар жамоаси эрур..."

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган халқ қабулхоналарига тушган, тушаётган минг-минглаб муҳожаатлар ҳамда юзма-юз учрашув ва мулоқотлар кимнинг қандай одам эканлигини анча

БУТУН ОДАМ БЎЛАЙЛИК!

батафсил исботлаб берди. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили сизу бизлардан баракали натижалар кутмоқда. Энди муҳтарам Президентимиз даъватига жавобан чиндан ҳам бутун одам эканлигимизни исботлаб қўйиш фурсати етди. Бугун Ватанимиз барчамиздан улуғ натижалар кутаётгани айти ҳақиқат! Хусусан, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нурунийлар, бординги, академиклардан оддийгина ҳаёт кечириб яшаётган кексалар зиммамизда жуда улкан масъулият турганлигини қалбимиздан ҳис қилмоғимиз керак. Биринчи навбатда ҳар бир оила бошлиғи, хоҳ ота ёки она бўлсин, ўз авлодларига бутун одам сифатида ибрат бўлмоқлар шарт. Гийбатчилик, ўғрилиқ, порахўрлик, гуруҳбозлик, қачимчилик каби маънавий жиноятлардан холи одамлар болачақларини тўғри йўлга бошлайдилар, албатта. Ўта заҳматли, оғир, аммо шарафли бу вазифани бутун одам сифатида ҳалол баҳара олганларнинг кексалик даври роҳат-фароғатда кечад. Акс ҳолда...

Салбий ҳолатлар ҳақида гапиришни ҳарчанд истамасак-да, ғашга тегадиган, дилини оғритадиган беўхшов воқеалар кўз ўнгимизда гавдаланаверади.

Мана, Бўстонлик тумани марказида яқинда содир бўлган бир воқеа. Катта жаме масжиди имоми ўтган қисқа фурсат давомидаёқ ўзининг билимдонлиги, ахлоқ-одоби, айниқса, долзарб мавзулардаги амру маъруфлари билан намозхонлар ва таниган-билганларнинг самимий ҳурмат-эътиборини қозонди. Яқинда Шавкатхонни бир тадбирга таклиф этдилар. Имом бир-икки сафдоши билан шу хонадонга келди. Кўрсаларки, обдан яратилган стол ўртасига спиртли ичимликлар териб қўйилибди. Атрофда эркагу аёллар, ёш йигит-қизлар ва келинчақлар қадаҳларни сўқиштириб ўтирардилар. Масжид имоми энг мақбул йўлни танлади: намоз вақти яқинлашганини айтиб, бу хонадонни тарк этди, аммо халқимиз ҳаётига ярашмаган мазкур ҳолатни ҳам четлаб ўтмади. Навбатдаги жума намозининг амру маъруфиди намозхонларга ярашмаган қилмишларни батафсил гапириб берди. Аввало, ўз хона-

дони аҳлига, қолаверса, қариндош-уруғ, маҳалладош ва бошқаларни ярашмаган бундай йўлдан қайтариш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди...

Шундай кўнгилсиз воқеалар — тўю ҳашамларда эркак ва аёлнинг қадаҳ чўқиштириб ичишлари бутун диёримизда авж олган, деб айтолмаймиз. Нима бўлганда ҳам вазифасига ҳалол, виждонан ёндашган масжид имоми жуда тўғри йўл танлади. Сир эмас, ўз ақлига эғалик қила олмайдиганлар ичкиликбозликка ружу қўйиб не-не кўнгилсизликлар, ҳатто оғир фожиаларни келтириб чиқармоқдалар. Ёши бир жойга бориб қолганларнинг шундай хунук давраларда қатнашиши мутлақо кечириб бўлмас ҳолдир. Ҳозирги буюк бурилиш, улкан кашфиётлар, янги-янги инновацион ғоялар туғилаётган бир даврда аҳлихалққа ҳаммамиз, жумладан, биз сингари нурунийлар ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиб яшамоғимиз шарт! Акс ҳолда, бутун одам эмас, Ватанимизга, ёрқин келажагимизга хиёнат қилаётган майдакашлардан бўлиб қоламиз.

Ичкиликбозлик илллати нима учун ҳаётимизга шу қадар чўқур сингиб борапти? Бунга, аввало, ўтмишнинг дахшатли фожиаси, бизларга қолдирган ярамас илллати сифатида тушуниш керак. Энди бундай ўта зарарли, ҳатто чиркин, фожиали оқдлардан узил-кесил воз кечиш даври келди, деб қатъий айтишга ҳақлимиз. Кучли мутахассисларнинг ишончли фикрларига қараганда, ароқнинг беҳособ зарарларидан энг дахшатлиси инсон организмга ўнглаб бўлмас зиён етказишидир. У, аввало, ички органларнинг ҳаммасига жиддий зарар етказиши. Энг ёмони — бош мия фаолиятини емириб, асабларни тиклаб бўлмас даражада заҳарлайди, ақли заиф ва ногирон болалар туғилишига сабабчи бўлади. Шундай экан, бу заҳри қотилдан бутунлай воз кечиб қўя қолиш наҳотки шунчалик қийин бўлса? Шу йўлни қатъиян танлаш учун улуғ шоиримиз айтганидек, бутун одам бўлмоғимиз лозим! Бир ароқхўрнинг даъвосини қаранг: ароқ қўйилмаган тўйларга одам келмас эмиш! Худого шукр, айнан марказий шаҳарларда катта-катта давраларда спиртли ичимликлардан бутунлай воз кечилмоқда. Тўйлар шу заҳри қотилсиз ҳам жуда гўзал, шодон ва сермазмун ўтиб турибди.

Шу ўринда ёзувчилар, журналистлар, хуллас, қалам аҳлига кичик бир мууроҳатимиз бор: заҳматкаш ижодкор дўстларимизнинг аксарият қисми диёримизнинг олис жойларида туғилиб ўсганлар, кейинчалик эса Тошкент шаҳрида ёки марказнинг ён-атрофларида яшаб қолганлар. Вақти-вақти билан туғилган жойларига бориб турадилар. Киндик қонлари тўкилган шу табарруқ замин аҳоли, тараққиёти, айниқса, ёшлар ҳаёти билан астойдил қизиқсалар, уларнинг равнақига алоҳида эътибор қаратсалар, нур устига нур бўлур эди. Зеро, кимки туғилган жойидаги одамлар ҳурмат-эътиборини қозона олса, ҳақиқий маънода ўзини энг бахтлилар қаторига қўйиши, Сирожиддин Сидқий Хандақлиқни алоҳида таъкидлаганидек, бутун одам саналиши мумкин.

Асад АСИЛОВ,
ёзувчи

Тоғбеганинг ташвишлари


Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги Омонқўтон бўлими бошлиғи Турсунбой Халиловдан шунча катта ўрмонга неча киши қарайсизлар, деб сўрадик. Турсунбой бир фурсат ўй суриб қолди. Балки у менинг "Наҳотки?", дея ҳайрон қолишмини олдиндан сезгандек ҳаёлга ботгандир?! Ҳа, шундай бўлиб чиқди. 1326 гектар тоғ ўрмонини ҳамда унинг ён атрофидаги ўтлоқ ва яйловлар, дарё ва сойлар билан қўшиб ҳисоблаганда жами 1736 гектар худудга атиги уч штат бирлиги ажратилган экан: икки қоровул ва бўлим бошлиғи. Тўғри, қузда пишган ёнғоқ ва дўлана, доривор гиёҳларни йиғиб топширишга шартнома асосида қўшимча ишчилар жалб этилади. Бирок бу қадар катта ўрмоннинг ташвиши кам эмас-да. Уни нафақат аҳолининг мол-ҳолларидан, қишда ўтин қамлаш ёхуд ёғочлик дарахт ахтариб ўрмонга юз бурган ёмон қўзлардан асраш учун ҳам ишончли қалқон керак.

Яқинда Миллий ахборот агентлиги муҳбири Улмас Баротов Деҳқонбод давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида «Қизил китоб-га киритилган ноёб Зарафшон арчалари аёвсиз кесиб кетилаётгани ҳақида бонг урди. Маҳаллий аҳоли ўрмон хўжалиги мутасаддилари дарахтларни хуфёна сотиб юбормоқда деса, ўрмончилар аҳолининг ўзи уларни яширинча кесиб кетаётди, деб маълумот беришган. Бундан ташқари, ўрмон ҳудудида минглаб мол-қўйларни ўтлатиб юрган қўпонлар яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи патентага эга экан. "Демак, бунга қонуний рухсат берилган. Яйловдан пул тушириш бўйича режалар белгиланиб, дарактзорлар орасига чорва моллари жойлаштирилишига йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида ўрмонзорларнинг табиий кўпайиши сустаймайдими, яъни дарахтдан тушган уруғдан униб чиққан ниҳол чорва моллари туёғи остида пайҳон бўлмайdimи?" деб муаммо қўяди муҳбир.

...Турсунбой кўп йиллардан бери ўрмончилик билан шуғулланади, икки ой бурун шу вазифага қўйилган. Икки қоровулнинг ўрни эса ҳозирча бўш турибди. Бу ишга муносиб одамлар зарур. Ававалгилар... ишончли оқламаган. Балки тоғбеги "Ўрмонни энг аввал қимдан ҳимоя қилиш керак?" деган саволга "Ўрмончининг ўзидан" де-

ган жавоб келиб чиқмаслиги учун ҳам ҳаёлга ботгандир? Бугун Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил топиши муносабати билан соҳада ислохотлар амалга оширила бошлади. Бу жараённинг шабадалари Омонқўтонга ҳам етиб келган. Мансурхон Турсунбойларнинг ташвишу масъулияти ошган. Бу йил Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги бўйича 60 гектардан зиёд янги ўрмонзор (14 гектари ёнғоқзор) барпо этилаётган бўлса, Омонқўтон бўлимида қариб, ҳосил бермай қолган ёнғоқ

ЭКОТУРИЗМ:



дарахтлари ўрнига янги ёнғоқзорлар вужудга келтирилиши керак. Бу иш, албатта, катта куч талаб этади.

Пайарик бўлимида ҳам кўп ерлар ўрмонзорга айлантирилаётган экан. Давлатимиз раҳбари таклифи билан Пайарикдаги кам ҳосилли экинзор ерларнинг 925 гектари ўрмон хўжалиқлари ихтиёрига ўтказилибди. Келаси йили яна беш юз гектар шундай унумсиз ерларни боғ ва ўрмонлар учун ажратиш кўзда тутилаётган экан. Шу ҳудудларда интенсив ёнғоқзор ва пистазорлар яратиш бўйича иш олиб бориш билан бирга, хориждан келтирилган тез ўсувчи тропик павловния дарахтзорлари барпо этилгуса катта аҳамият бериляпти. Ушбу нав икки гектарли қўчаторда тувалқарда ўстирилади, келаси йил баҳорда 20 гектар майдонга экилади. Бош ўрмончининг айтишича, бу дарахтнинг ҳосияти кўп. У, аввало, йилига тўрт-беш метрғача ўсади, сўнг тинимсиз гуллаб асалари-

ни чорлайди ва гектарига бир ярим тоннагача асал олиш имконини беради. Ёғоч эса, меҳелбон.

Сўнгги 130 йил мобайнида Цельсий бўйича ҳарорат 0,85 даража кўтарилиб, 1960 йилдан бошлаб ҳаёнда иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар уч баробарга ошгани инсониятни оғоҳликка қорламоқда. Сунъий ўрмонзорлар ҳудудни табиатнинг турли салбий омилларидан ва антропоген таъсирлар натижасида издан чиқишининг олдини олади. Олимлар ҳисоб-китобига кўра, суғориладиган ҳудудларда дала ихтотазорлари

долзарб мавзудаги мақолалари билан иштирок этиб келаётган ҳурматли олимиш эътироф этишича, мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар туфайли давлат ўрмон фондига қарашли ҳудудлар мустақиллигининг дастлабки йилларидаги қараганда тўрт-беш баробар кенгайиб, мамлакат умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этибди. Бирок ўрмонни кўриқлаш ва уни муҳофаза қилиш ишлари айрим ҳолларда кўр-кўрона амалга ошириб келинаётган ҳоллар ҳам учраб туради.

Бу борадаги энг катта муаммолардан бири — ўрмонларимиз ҳозирги за-

мон талаблари асосида инвентаризация қилинмагани билан боғлиқ экан. Ўсиб турган ҳар бир дарахт, кўчат ҳисобга олиниши лозим. Шундагина бизнинг нимани қўриқлаётганимиз ва муҳофаза этаётганимиз аён бўлади.

— Эътиборингизни яна бир ҳолатга қаратмоқчиман, — дейди Абдуҳалил ака. — Бир ёки икки жона ўсиб турган дарахтнинг кесган одам ҳавсбгар бўлади, аммо гектарлаб майдонларга ўрмон экимаган мутасаддиларни ким деб аташ керак? Ахир, шу майдонларда ўрмон ҳосил қилиш учун ажратилган маблағлар нимага сарфланганини ҳам сўрашимиз керак-ку.

Эндиликда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширила бошлагани кўнгилни кўтаради. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилгани, "Ўрмон тўғрисида" ги қонун янги тахрирда қабул қилингани давлат ўрмон хўжалиқлари ишини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Барча вилоятларнинг тоғ ва тоғоли ҳудудларида янги узумзор боғлар, бодомзор, ёнғоқзор ва пистазорлар яратилаётгани, пахта майдонлари қисқартирилиб, боғот ҳудудлари томиқлаб суғориш йўлга қўйилаётгани, ўрмон-мелиорация тадбир-

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб, она диёримизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, энг сара насрий ва шеърый асарларнинг “Ватан учун яшайлик!”

VII Республика танловини эълон қилади.

Билан тараннум этилиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси Адилбар хиббони. Телефонлар: 231-83-67, 231-83-49) ҳамда Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлиналари орқали 2018 йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади ва танлов ҳайъати томонидан қўриб чиқилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллиф паспортнинг нусхаси;
- муаллифининг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари:

Битта биринчи ўрин — **энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорида**; Иккита иккинчи ўрин — **ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида**;

Учта учинчи ўрин — **ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида**; Бешта рағбатлантирувчи ўрин — **ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида** пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

КУЛОЛЛАР ФЕСТИВАЛИ

Фарғона вилоятининг Риштон туманида "Кулоллар ва кулолчилик маҳсулотлари" халқаро фестивали бўлиб ўтди. Кенг миқёсда биринчи бор ташкил этилган мазкур анжуман замонавий ўзбек кулолчилиги санъатида катта воқеага айланди. "Хунарманд" уюшмаси, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Президентимизнинг "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган бу тадбирда халқ хунармандлиги ва амалий санъати маҳсулотлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасидан ўрин олган асосий кўргазмалар туман марказидаги Бурхониддин Марғиниёни номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Унда юз нафардан зиёд риштонлик кулоллар, республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган олтимизга яқин хунарманд ҳамда Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия сингари ўттиздан зиёд давлатдан усталар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ўзбек хунармандларининг ишлари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Риштон кулолчилик мактабининг нозик ва мукаммал нақшлари, Хоразм мактабига ҳос сопол буюмлардаги зангори, мовий, фируза ранглардаги тасвирий

Ўзбекистон ва жаҳон

безаклар санъат ихлосмандларини ҳайратда солди. Самарқанд усталарининг ижод намуналарида ёрқин ранглар, яхлит нақшлар кўзга ташланса, Тошкент кулолчилик мактабига мансуб бўлганларида тўқ тусдаги бўртма чизгилари билан ажралиб турди.

— Фестивалда юздан зиёд маҳсулотим билан иштирок этдим, — деди риштонлик уста кулол Иқболжон Тўлаганов. — Бошқалар ишлатмаган миллий адрас, атлас рангларидан фойдаланиб, ноанъанавий гултуваклар, совғалар, сервислар, чойнак-пиёла, турли ҳажмдаги гулдонлар ясайман. Халқаро фестиваль баҳонасида хориқлик муҳлисларга ҳам ишларимизни намойиш қилиб, ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлдик. Айниқса, ишларимизни томоша қилишга қўллаб ёшлар келгани, миллий санъатимизга қизиқиш тобора ошиб бораётганидан хурсандимиз.

Фестиваль кунлари хунармандлик асарлари билан яқиндан танишиш ниятида хориқлик сайёҳлар ҳам ташриф буюришди. Бу имконият миллий санъат намойиши сифатида туманда туризм соҳаси ривожига ҳам қўлай шароит яратди. Риштондаги халқаро фестиваль бундан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб борилади, деган умиддамиз.

Ўз муҳбиримиз.

Таклиф биздан

сунъий ўрмонлар яратиш дастурига ҳам эҳтиёж катта. Бу хайрли ишни нафақат Ўзбекистонда, айти чоғда, Оролни кутқариш халқаро жағфармасига аъзо давлатлар, шунингдек, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳам кенг миқёсда бошлаш учун мазкур жағфарга ҳамда халқаро ҳомий ташкилотларнинг молиявий маблағларини йўналтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ватанимиз истикболини ўйлаб амалга ошириладиган бундай хайрли ташаббус Ёшлар иттифоқи фаолларидан чиқса ва оммавий ҳаракатга айланса, нур устига нур бўларди. Айни чоғда, сайёҳлик ва туризм ривожини учун зарур инфраструктура яратилиши, меҳмонхона ва кемпинглар, Омонқўтондан Мингчиноргача пўлат арқонли осма йўл қурилиши мақсадга мувофиқ. Мамлакатимиз ўз миллий тараққиётининг янги даврида халқаро туризм ва сайёҳлик салохиятини жадал рўёбга чиқараётган айти кунларда бу ҳақдаги гўзал орозулар, албатта, кўнгилга хуш ёқади.

Тахтиқорачадан қайтар эканман, дилбар шоиримиз Матназар Абдулҳаким довоининг ғайриқонли манзараларидан илҳомланиб, юракларга муҳраган мисралари ҳаёлимда акс-садо бера бошлади:

... Юксаклик энг масъуд бахту даража,
Бахти, даражаси бўлсин ҳар кимнинг.
Меҳрим қабул айла, Тахти қорача,
Тахти қорачаси бўлсин ҳар кимнинг.

Тутсаларда гарчи осмонга елка,
Чексиз водийларга ташлаб соялар.
Муштдек бир маъна бахш этай деб элга
Қулаб-қулаб кетар не бир қоялар.

Ватанининг тоғлардек гамин еганимиз,
Дилдан бошқа толе ахтаришмайди.
Токи бахт василига етмас эканмиз,
Елкамиздан тоғлар ағдаришмайди...

Мурад АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

Одатан атоқли ёзувчилар атоқли публицистлар ҳам бўлишади. Чингиз Айтматовга-ку бу гап ҳаммадан кўра кўпроқ тааллуқлидир. Адиб таржимаи ҳолга қайдларида эслашча, мактабда эркин мавзуда ишю ёзиш, кўнглидаги орзу-армонларини тўкиб солишни ҳуш кўраркан. Урушдан кейин Жамбул зооветтехникуми, қирғиз қишлоқ хўжалик институтида таҳсил кўрган йиллари “Полк ўғли”, “Оқ қайин” каби асарларни, таржима қонун-қоидаларидан ҳали беҳабар, ўз билгича, қирғизчага ўгиради. Кўлёмаларини қўлтиқлаб нашриётга олиб борса, улар аллақачон таржима қилингани, тез орада ўқувчилар қўлига етишини айтишади.

“Рости, ўшанда ҳўп алам қилган эди, – эслайди адиб. – Лекин ҳудди шу нарса менинг ижодий ишмига туртки берди. Талабалик кезлари газеталарга хабар, мақола, очерклар ёзиб турдим”. “Қирғиз тили терминологияси ҳақида”, “Русча-қирғизча лугат тўғрисида”, “Оригиналдан узоқ таржималар” номли илмий-танқидий-публицистик мақолалари ёш Чингизнинг иқтидори, савияси кенглиги, қалами раволашиб бораётганидан далолат беради. Публицистикада орттирган илк тажрибалари бадиятга ўтишига – илк ҳикояларини ёзишига имкон

Баъзан айрим ҳолларда айнан публицистика бадий адабиётдан кўра кўпроқ, муҳимроқ аҳамият касб этиши мумкин. Ўйлайманки, ҳозир айна шундай давр, газеталар шу қадар оммабоп, қўлма-қўл бўлиб кетдики, одамлар эрта тонгдан уларга навбатда туришади”. Адиб фикрини давом эттириб, ижтимоий фаолият зўрайган даврда журналистиканинг масъулияти кўп чандон ортиши, ушбу соҳалар бир қатор масалаларда индамай, сукут сақлаб туришдан воз кечолса, одамзод ва унинг даврини аниқ ва ҳаққоний ифодалашга куч-имкон то-

мавзу-муаммо йўналишлари бўйича умумлаштириб қараладиган бўлса, даставвал, тинчлик учун кураш, дўстлик ва байналмилаллик, ташқи ва ички сўқсат, экология, маънавий-ахлоқий қадриятлар, адабиёт, санъат, тарих, фольклор, ижодий жараён, адабий-бадий танқидчилик, тил ва таржима масалалари, маданиятлар ҳамкорлиги ва ҳоказолардир. Ҳеч бир муаммо адибда шунчаки тарзда, яқна ҳолда олинмайди, балки бир қанча муаммолар оғушида, улар билан узвий боғлиқликда кўрилади, таҳлил-тадқиқ этилади.

ҲАЁТБАҲШ ПУБЛИЦИСТИКА

берди. Москвада икки йиллик Олий адабиёт курсини битириб қайтган, “Адабий Қирғизистон” журнаliga муҳаррирлик қилади, кейинчалик беш йил давомида юртида, собиқ иттифокда, чет элларда чиқадиган кўпгина эътиборли газета ва журналларнинг доимий, ардоқли, орзиқиб қутиладиган муаллифларидан эди. 1989-1990 йилларда у “Иностранная литература” журнаli бош муҳаррирлигига 17 номзоднинг ичида ўзи қатнашмаган ҳолда сайланади. Қирғизистон кинематография қўмитаси раислиги, депутатлиги, дипломатик фаолияти ҳам публицистика билан тез-тез шугулланиб туришни тақозо этади.

Чингиз Айтматовнинг бадияти билан публицистикаси бамисоли эт билан тирноқ, ўзаро киришиб, сингшиб кетган, бири иккинчисини тўлдирди, бойитади. Адибнинг ҳикоя ва қиссалари, романлари, драма ва киносценарийлари, адабий-танқидий мақолалари, суҳбат ва хатлари теран публицистик руҳ билан йўғрилгани ақид эътироф этилган. “Асрни қаритган кун” “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси”, “Тоғлар қўлағанда” романларида публицистиклик, публицистик руҳ айниқса бўртиб кўринади, уларда қўйма тасвир, характерлар билан ёлқин, эҳтирош публицистик монолог ва диалоглар, қаҳрамон, персонажларнинг нутқ-ҳайқириқлари, муаллифнинг ўйчан, лирик, фалсафий, публицистик чекинишлари, асосли, босик, теран фикр-мулоҳазалари, ўқувчига мурожатлари, ошқора мулоқотлари кўп учрайди. Шу маънода бу романлар баъзан бадий-публицистик-фалсафий асарлар деб аталаётганича ҳам бор. “Афтидан, ёзувчи ўз фикрларини бадий асар шаклида ва образларда ифодалашдан олдин уни имкони борица ўткирроқ ва тўлиқроқ тушуниб етиши лозим. Бу ўринда бадий публицистика деб аталмиш жанр бекуёс рол ўйнайди, – дея таъкидлайди Айтматов.

“Оғонёк” журнаli муҳбири Ф. Медведов билан суҳбатда адиб ошқоралик адабиёт учун сув билан ҳаводоз заруриятини алоҳида таъкидлайди: “Рўй берган, бераётган ҳодисаларни ҳаммадан олдин илғовчи, сезувчи ва воқеликка энг биринчи бўлиб таъсир ўтказишга интилувчи, албатта, журналистика, публицистикадир...”



полса, бу ҳар биримизга ўзимизни таниб, топиб олишимизга ёрдам берадигани таъкидлайди.

Иллатларни рўй-рост, ҳаққоний тасвирлаш, илдиизга назар ташлаш, моҳиятини очиб беришда бадий адабиёт баъзан матбуот, радио, телевидениедан кўра оперативлик, тезкорлик кўрсатиши ҳоллари ҳам мавжуд. “Публицист сифатида қўлга қалам олганимда мени нималар кўпроқ ташвишлантиради, ҳажонга салади”, – деган саволга ўзи, шубҳасиз, “ҳозирги мураккаб ва зиддиятли дунёда инсон шахсияти муаммолари”, – деб жавоб беради. Бу жумлада, айтиш мумкинки, Ч.Айтматовнинг ёзувчилик кредоси ўз қисқа ифодасини тоглан. Дарҳақиқат, адабиёт сингари, публицистика ҳам инсоншунослиқдир.

Айтматов очерк, эссе, хат жанрларида ҳам ижод қилган. 22 олмон ўқувчисиға мактуби, айрим мактублари, ўзбекистонлик адиблар Одил Ёқубов, Тўлепберген Қайиберганов, Асил Рашидов ва бошқаларга йўллаган хатлари матбуотда эълон қилинган, лекин аксарият хатлари ҳали ёзувчининг архивида. Асосий, энг кўп мурожаат этидиган жанрлари – мақола, интервью, суҳбатлари бадий публицистиканинг етук намунаси. Одатда матбуотда икки-уч, баъзан тўққиз-ўн саҳифани эгалладиган интервью жанрини интервью-қисса, интервью роман даражасига кўтарганлардан бири ҳам Айтматов бўлади.

Чингиз Айтматов публицистикаси

Экология, ахлоқ, маънавият муаммолари адиб, публицист Чингиз Айтматовни кўп банд этгани маълум.

Жамоатчилик табиати, ўрмонлар, дарёлар, қўллар, ҳайвонот, наботот олами асраш, авайлаш ҳақида бонг ура бошлаган кезларда Чингиз Айтматов “Правда” газетасида “Иссиқкўлнинг нозик дурдониси” номли дардли мақола билан чиқди, қўл, шаврон тери янглиғ, аста-секин торайиб бораётганлиги, сўнги ўн йилнинг ўзида уч метр пасайгани, олимларнинг ҳисоб-китобларича, кўп нарса йўқотилгани, шошилинч тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида куюниб ёзади.

Бир неча йил ўтгач, Ф. Медведов билан музоҳабасида бу хусусда янада кенгрок, кескинрок, ўқинч-изтироб билан гапиради, Иссиқкўл дардини айтиб, юрагини бўшатиб олгач, бошқа оғир мавзуга – Орол дардига кўчади. Орол фожияси фалокатли муаммага айланиб қолганини айтиди: “Мен Бойкўлни Иссиқкўлдан ажратиб қарамайман... Лекин шунга хурсандманки, Бойкўлнинг ўз химоачилари, тарафни олувчилари бор. Орол денгизи фожиясида асосан одам айбдор. Хўжалик ишларимиз, монокультура нақ экологик вайронагарчиликлар келтирди, негакки, қачонлардан бери давом этиб келаётган ҳосил кетидан, сон кетидан қувиш Оролни чалажон қилиб қўйди...”

“Инсонийлик...камёбми?” ахлоқ, маънавият муҳофазаси мавзусида энг ўткир мақолалардан. Ўқувчи-

лар хатларига жавоб тариқасида ёзилган мазкур мақолада ҳаётда кенг томир ёёётган хавфли касаллик – буюмпарастилик, бу ҳодисанинг илдиизи, кўринмас оқимларига назар ташлайди. “Истеъмолчилик ҳирси – кўзга кўринмас ва шунинг учун ҳам уч қарамаккор душман, – огоҳланганди публицист. – У қалбни ичдан, билдирмай, секин-аста айнитиб, кемириб боради”. Истеъмолчилик ҳирси-ҳаваси бошқа бир дефицитдан – маънавий дефицитдан, тарбиядаги нуқсонлардан келиб чиқади. Мақола иллатнинг сабабларини кўрсатиш билан чекланганда қутилган даражада самара бермаган бўларди. Адиб публицистикасининг кучи муаммони кескин қўйиш, теран таҳлил этиш билан бирга ечимини топишга кўмаклашиш, ҳулоса чиқариш, тавсиялар беришдир. Муаллиф таълим-тарбия ишларини қайта йўлга қўйиш, ўқитувчининг аввалги баланд обрў-эътиборини тиклаш борасида лўнда фикрлар, аниқ тақлифлар айтиди.

Чингиз Айтматовнинг бир қатор асарларига фожеавийлик хос. Адиб фикрича, “фожеа – бахтининг ачиққў йўлдоши, фожеавийлик – инсон ички олами маҳражи, шахс хусусиятлари, фазилатлари фожий кечинмалар асосида, у ҳақиқатга, ҳалолликка, адолатга интилиши, салбий қулчларга қарши кураши жараёнида очилади...” Ч.Айтматов Хитойга сафари чоғида, қутилмаганда унга бир қирғиз йигит кўнгирак қилиб, “Оқ кема”даги ўғли эканлигини, Иссиқкўлдан Хитойгача сузиб келганини айтиб муаллифни ҳайрон қолдиради ва нихоятда хурсанд қиладики, бу қиссанинг ҳаётбахш асар эканлигидан далолат эди. Ҳудди шу сингари, адиб публицистикасида ҳам ноҳус воқеалар, фожий ҳолатлар баён қилинса-да, асар матнида, муаллиф қарашларидан оптимистик руҳ уфуриб туради. Тўрақул Айтматов қатағонга учраб оила ағдор бўлиб қолганда ўсмир Чингизга ўқитувчиси “Отанг ҳақида гап кетганда ерга қарама, қаддингчи тик тут, чунки унинг айби йўқ”, дея ўқиски кўнглини кўтарди. Ўғирлаб кетилган ёлғиз сигирини ахтариб, қўшинининг милтигини олиб қорни, совуқни, чарчоқни писанд қилмай йўдоқ далали кезиб юрганида олдиндан эшак минган Чол чиқиб қолиб авзодан “Мабодо бировни ўлдиргани кетаётганини йўқми?”, – деб сўрайди. Воқеани эшитиб афсус чекади, “Болам, қасд қилиш ниятингдан қайт. Уйингга бор ва ёдингда тут: зулм қилганини Оллоҳнинг ўзи жазолайди, сени эса ҳаёт тақдирлайди, бахт сенга қулиб боқади, қандай келганини билмай қолсан”, – дея насихат қилади. Эзгу умид, яхши ният, келахакка ишонч, ҳаётбахш руҳ Ч.Айтматовнинг бадияти сингари публицистикасига ҳам хос хусусиятидир.

Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон ўзи алоҳида катта ва қўтлук мавзу. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” чиқарган қарориди машҳур сўз санъаткори нафақат қирғиз эли, айна пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадри сиймо эканлиги таъкидланган. Бир неча банддан иборат ушбу ҳужжатда юбилейни муносиб ўтказиш учун белгиланган режалар бирма бир кўрсатиб ўтилган. Ушбу мақола ҳам белгиланган тадбирлардан бирининг ижроси.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мурабийси,
ёзувчи, публицист

ЮРТИМ БАҲОРИНИ ЁЙГИН ДУНЁГА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ёшлар ижодий изланишда табиий равишда янги поғонага кўтарилаётгандай, насрда ингичга бўлса-да, янги йўлакчалар, умидли сўқмоқлар пайдо бўлаётгандай. Бундан қувонмай бўладими?!

Олимлардан бири ижодкорлик майлини генетика қонунлари билан бирга, ёшлар дунёқарашининг шаклланиш жараёни, фикр кўзининг очилиши, жамиятдаги маънавий муҳит, ўзликини англаш туйғуси билан боғлайди. Киши кўнгли қувончдан энтиканида, бир нимадан кучли таъсирланганда ёки ёқимли, ҳайратомуз, гоҳида сир-синоатли ҳолатга юзма-юз келганида... беихтиёр шеърый мисралар тўғили бошлайди.

Ёшларнинг машқларини ўқир эканман, улардаги самимийлик, беғуборлик, ёшликка хос ҳарорат, интилишу изланиш, топила ташбехлар, янги-ча ифода усуллари, бир сўз билан айтганда, ўзига хос журъат, қатъият эътиборини тортиди. Пишик-пукта, оҳорли қўйма сатрлар. Муаллиф бошловчи ҳаваскорлиги ё анчадан бери машқ қилиб, қўли келиб қолган ўқувчи шогирдми, дея ўйланиб қолсан. Нима бўлганда ҳам, шеърятимиз осмонни тиниклашиб, фикр томирлари жонланаётгани бор гап. Бугун ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимизда, онг-тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришлар, янги мақомдаги Ўзбекистоннинг дунёвий эътирофи, янгича руҳ, янгича шиддат, ижод ахлига эътибор ёшларни илҳомлантираётгани аққол кўриниб турибди. Мана, Ватан ҳақидаги ихчамгина шеърнинг якуни:

Мени тўғри тушув, ранжима бироқ,
Оловга муҳтождир кўнглим иқлими.
Сени бошқалардан фарқли ўлароқ,
Оламга жар солмай севсам майлими?!

Бошқа бир шеърда ўқиймиз:

Шоирга гапим йўқ. Шеърга гапим бор,
Ровий қизиктирмас, ривоят муҳим:
Савоим оҳанга, сенгамас дукор,
Туйғуда яшашни истайман дукор.

Гуғурт чўпи ҳақидаги шеърдан тўрт сатр:

Гуғурт чўпларига ўхшайсан, Инсон,
Илдизин унутиб, қўкка шайланган.
Бошингга урсалар кўтариб исён.
Оловга айланган, ўтга айланган.

Метрода ухлаб кетаётган ёлғиз аёл ҳақидаги шеърдан парча:

Нафис кинригида шабнам мудрайди,
Тўлган-у, тўқилмай тургандай кўзёш.
Ҳозир танқарида осмон ухлайди,
Ер остига кириб кетгандай кўёш.

Бундай таъсирчан топиломалар ёш ижодкорларнинг ҳаётнинг маъно-моҳиятини янгича идрок этиш, уни қалб кўзи билан кўра олиш иқтидори пухталашиб бораётганидан далолат, албатта. Шеърят илҳосмандлари ҳушнуд: ёшлар шеър ёзиш учунгина эмас, ҳаётни, одамларни, ўзликини англаш ва унинг идрок ҳосилаларини намоён қилиш учун изланишди. Биров олдинда, биров кейинда. Қуйидаги сатрлар ана шу изланишнинг натижалари: “Ватан бўлиб кўринар менга, қафтимдаги бир сиким тупроқ”, “Қизғиш уфқ. Бу уфқ эмас – Ватанимнинг дилбар сурати”, “Хорижий сайёҳга дегум бор аста: Менинг кўзим билан боқинг бу юртга”, “Туғилмадик унутилгани, орзуларим дунёдан қари...”, “Осмон, менга юбор ёмғирни, юрагимни олайин ювиб”, “Мени тингла, эй, тонгги насим, юртим баҳорини ёйгин дунёга...”

Сўзини тушуниш, сўз ёрдамида қалб туғёнларини ифодалаш, сўзини фикрга айлантириш ҳаракати деб тушуниш бу сатрларни. Бу ҳаракатни қувватлаш керак. Бунинг учун ҳам ҳаракат зарур. Бу йўлда биров масрур, биров маҳзун. Кимдир умид тулпориди елади, кимдир шубҳа ва гумон исканжасида “адоқсиз сўқмоққа кириб қолгандай...”, фикр тўшови тўтқиш бермайди. Ёшлар баёзида ўқидим: “Кетмоқдаман... Онажонгима, саҳроларда адашиб ҳамон. Мен танлаган йўлим – буюк ҳам, буюк бахтга етмоғим гумон...”, “Менинг умрим ҳазон япроқдай, эзилб, янчилиб борар кун сайин”. Бу сатрлар газетада ишлаб юрган кезларим шоира қизларимиздан бирига эрта ўлимни ҳавас қилиб шеър ёзгани учун берган танбеҳимни эслатади. Ўша йиллари ўлим ҳақида ёзиш катталардан ёшларга ўтган, мантқиқсиз

мусобақага айланган эди. Ҳаёлимда қолганлари: “Энди менинг тақдирим аён, Бахт кўчаси менга бегона, Йўлга тушдим, манзилни қаён – билолмасман, билмасман, Она”, “Азизим, қидирма, мен узоқдаман, шукур, кўним топдим қайғу боғидан. Ҳаёт шу экан-да, мен не қилайин, қоврилиб ётибман ажал ёғида”, “Севгимиз туғди, садақат эътиди, саробга айланган ҳамма-хаммаси, Мен учун куюнма, мени эслама, мени сескантирмас ўлим шарпаси. Мен уни кутяман, сени кутгандек...”

Шеър – туйғу маҳсули. Туйғуни қоллига тушириб бўлмайди. Лекин...

Собиқ тузумнинг сўнги йилларида иттифоқнинг машҳур театрларидан бирида янги ёрқин “юлдуз”, истеъдодли ёш актриса пайдо бўлганини эслайман. У энгилтак, пала-партиш ҳаёт кечираётган қизлар, аёллар образини шу қадар қойиллатиб ижро эта бошладики, унинг ижро маҳорати мутахассислар эътиборига тушди. Тез орада сон-саноксиз муҳлисларга эга бўлди. Режиссёрлар унга фақат шу йўсиндаги ролларни топишдиранган бўлиши, кинофильмларда суратга тушишга тақлиф этишди. Актриса экран ва сахнада кўп бор ниқодан ўтди, келинлик либосини кийди, чимилдикқа кирди. Аммо... унга ҳаётда чинакам ниқодан ўтиш, ҳақиқий келинлик либосини кийиш насиб этмади... У ўзи яратаётган образлари дунёсига тушиб қолганини сезмаган, бунга деярли аҳамият бермаган эди. Шундай экан, ҳали турмуш қурмаган ижодкорларнинг ҳиёнат, ажралиш, ёлғизлик, афсус-надомат ҳақида айрича завқ билан ёзишлари, ҳаётнинг чинакам синовларига дуч келмай туриб, шеърда бўлса-да, узлатга чекинишлари, машқларини азобли сатрлар билан бе-зашлари маъқул эмас, деб ўйлайман. Ижодкорнинг руҳияти шундайки, у нимани орзуласа, нимага кўнгли қўйса, нимани кўпроқ ўйласа, илҳомини қандай туйғуларга сарфласа, шубҳасиз, шу йўлга яқинлашади ва хатто... муваффақият – ҳам қозонади. Аммо юрқоридаги мисолдан қўйиб турибдики, муваффақият деганларни ҳар хил бўлади. Бундан англашиладиган ҳулоса шунки, бахтни қўйлашда ҳам, маҳзунликка берилишда ҳам меъёр бўлиши керак. Улуг устозлар ўлимни ўйланган, аммо уни ҳавас қилманглар, дея бежиз айтишмаган.

Ёш ижодкорлар даврасида бўлиб, уларни эътибор билан тинглаб, ютуқларидан қувониб, баъзи қўйма сатрларини ёдга муҳрлаш баробарида уларнинг машқларидаги кичик бўлса-да, икки қусурни сезгандай бўлдим. Биринчиси – тақлидчилик. Бу нарса шеърларда ҳам, уларни овоз чиқариб ўқишда ҳам сезилади. Ҳар кимнинг ўз йўли ва ўз овози, ифода услуби бўлиши керак. Катта йўлнинг бошидан шунга интилиш зарур. Иккинчиси, ёш шоирларимиз шеърларини янги сайланган депутатлардай қозондан, ён дафтардан, кўпроқ қўл телефонидан бош кўтармай ўқишади, наҳотки ёзганлари ёдларида қолмаган бўлса?

Сўз устида ишлаш, уни қиёмега етказиш ҳақида Шавкат Раҳмон қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирган:

Сўзларни қайрайлик,
Тагин қайрайлик,
Тоқим кескир бўлсин бамисли олмос,
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
Ўткир сўз қолмаса...
Ҳеч нарса қолмаса...

Шу маънода яна машқларни ўқишга тутинаман. Ситора Тожиддинованинг:

Ватан десам, юрагим бир титраб кетар,
Фарзанд бўлиб, ярадимни қоринга мен?
Отам бўлсанг, ёнбошимга боллиб бўлай,
Отам бўлсанг, жоним берай
борингга мен...

сатрларига Аллаяр Дарменовнинг қуйидаги мисралари уланиб кетади:

Қора тупроқ, жон тупроқ,
Бугдой тупроқ, жон тупроқ,
Олтин тупроқ, жон тупроқ -
Ватан-ов.
Қумлоқ тупроқ, ел тупроқ,
Тошлоқ тупроқ, сел тупроқ,
Ботир туққан эл тупроқ -
Энам-ов...

Ёшларнинг бу каби ёруғ сатрлари кўнглида мунаввар туйғуларни уйғотади. Уйғонаётган адабиёт эса миллий бойликларимиз хазинасини янада бойитишда, янгилашда насилиларини дунёга ёяди. Бунга эса шубҳа йўқ.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

АДИБ МЕРОСИ — МАЪНАВИЙ ҲАЗИНА

“Адибнинг иккинчи умри” деган пурмаъно ибора бор. Бунда таниқли ижодкорнинг дунёдан ўтганидан кейин ҳам севиб ўқиладиган асарлари, ижодий мероси назарда тутилади. Орадан 10 йил ўтди. Бу йил адибимиз таваллудига 90 йил тўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23

август кунини эълон қилинган

“Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида”ги фармонига биноан адабиёт соҳаси бўйича биринчи даражали давлат мукофоти Пиримқул Қодировга “Амир Темур сиймоси” ва “Тил ва эл” асарлари учун берилган адиб руҳини қанчалик шод этганини ва адабиёт муҳлисларини мамнун қилганини тасаввур этиш қийинмас.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсида ташкил этилган Мерос комиссияси шу маънода, аввало, раҳматли адиб ва шоирларнинг ижодий меросини ўрганиш устида ишларкан. Уларнинг оилалари ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдамлар берилмоқда. Комиссия аъзолари вақти-вақти билан улуг адиб ва шоирлар мангу кўним топган қабристон-

га зиёратга бориб, у ерда ободонлаштириш ишларини ҳам назорат қилмоқда.

Айни пайтда Пиримқул Қодиров ижоди, хусусан, кўлёмалари, ён дафтарлари, хатлари, турли йилларда газета-журналларда ёритилган мақолалари, бадиалари, меҳнат фаолиятига оид муҳим маълумотлар изчил ўрганилмоқда. Академик Бахтиёр Назаров илмий раҳбарлигида

ёш тадқиқотчи Азиза Усмонова “Истиқлол даври замонавий ўзбек адабиётида ижтимоий ҳаёт ва давр муаммолари талқини” (Пиримқул Қодиров бадиалари мисолида) мавзусида докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Адиб таҳсил олган Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида унинг талабалар ҳаётига бағишланган “Уч илди” романи асосида махсус маҳорат мактаби ҳамда интернет тармоғида www.uchildiz.uz сайти ташкил этилган.

Сўнгги йилларда ёзувчи кўлёмаларидан “те-риб олинган” дурдона фикрлар “Адиб сабоқлари” сарлавҳаси остида қатор нашрларда ёритилди. Шу номдаги салмоқли тўплам ҳам нашрга тайёрланмоқда.

Яна бир қувончли хабар: адибнинг машҳур

«Юлдузли тунлар» тарихий романи яқинда «Адабиёт учқунлари» нашриётида «Абадий барҳаёт асарлар» туркуми остида қайтадан нашр этилди. Бу нашрнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда бугунги ёш китобхонларга айрим сўз ҳамда иборалар янада тушунарли бўлиши учун тегишли изохлар берилган. Айни пайтда бу асар лотин ёзувида асосланган алифбода ҳам чоп этилмоқда.

Пиримқул Қодиров нафақат атоқли адиб, айна пайтда адабиётшунос олим ҳам эди. Унинг “Тил ва эл”, “Амир Темур сиймоси” деб номланган илмий бадиалари тилшунос ва адабиётшунослар томонидан юксак баҳоланган. Шу муносабат билан адиб ва олим таваллудининг 90 йиллиги олдидан “Пиримқул Қодиров – тил, эл ва миллат фидойиси” мавзусида илмий анжуман ўтказиш режалаштирилмоқда. Дарҳақиқат, адиб мероси – бебаҳо маънавий хазинадир. Бу хазинадан бугунги ёш авлодни баҳраманд этиш ҳам фарз, ҳам қарз.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси Мерос
комиссияси масъул котиби, филология
фанлари номзоди

КЎНГЛИМ ОСМОНИГА АЙЛАНГАН ВАПААН!

КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бугун яна Зоминга, аниқроғи, ўзининг сўлим табиати, шоир бўлқларию ҳофиз ариқлари билан дилларга илҳом бағишлайдиган Ўрикисой сари отланиш арафасида турибмиз. Кун санаб, соат санаб турган ижодкор ўка-сингилларимиз, фарзандларимизнинг қалбларидида ҳаяжон кўзларидан, сўзларидан аён. Биз ҳам ҳаяжонда-миз. Бу – катта тўйга ҳозирлик кўраётган одамнинг умидбахш тадоригига ўхшайди. Гарчи йил давомида семинарга пухта тайёргарлик кўрилган бўлса-да, муҳтарам устозларимизнинг ишончини, азиз ёшларимизнинг умидини оқлаш ҳаёли кишини бир зум хотиржам бўлишга қўймайди.

Семинарнинг ҳудудий босқичлари кўтаринки руҳда, ҳаяжонли таассуротлар оғушида ўтди. Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилоятларида бўлиб ўтган ҳудудий семинарларимизда икки юз нафарга яқин умидли ёш иштирок этди. Республикадан борган устоз адибларимиз, таниқли ижодкорлар ҳар гал Тошкентга қониқши,

мамнуният ҳисси билан қайтиб келишди: "Фалон вилоятдан бир зўр шоир бола кепти, шеърларини ўқиб қойил қолдим", "Ўзи ёш бўлсаям қисса ёзипти-я!", "Қалами ўткир ёш публицистларимиз ҳам бор экан..."

Семинарнинг ҳудудий босқичларида қатнашган устоз адибларнинг таассуроти, баҳоларига қараганда, бу йилги Зомин семинари янада қизгин руҳда ўтади, деб умид қилаймиз. Бунинг учун ҳамма нарсашай: ташкилий масалалар ҳал қилинган, катта ҳурматга сазовор тажрибали устозларимиз кўмакка тайёр, Жиззах вилоят ҳокимлиги, эзгу аъёнага содиқ ҳолда, меҳмондўстлик билан кучок очиб турибди, бир сўз билан айтганда, 5-7 июль кунлари Зомин шаршараси каби мусаффо қалбларнинг жўшқин ҳайрату ҳаяжонларига гувоҳ бўламиз, Сўз ва Илҳом жозибасини, сеҳрини ҳис қиламиз.

Зомин семинари катта йўл бошида турган ҳар бир ёш ижодкорнинг қалбида бир умрлик ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Орадан йиллар ўтиб, бугун нозик ниҳолдай турган ўка-сингилларимиз адабиётимизнинг чинорларига айланса, бахтимиз кулгани, муродимиз ҳосил бўлгани шу бўлади...

Нодир ЖОНУЗОК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари



Ватан

Юрагим тўрида атиргул унди,
Майин ифорида гуллади чаман.
Момом чаккасига шодалаб таққан
Меҳрдек мулоим райҳонсан, Ватан.

Дилида дунёнинг сара бойлигин
Борлигини билмай қийқариб чопган.
Жажжи сингилчаларнинг билакларида
Оппоқ кўзминчоқдек дуримсан, Ватан.

Эндигина тушган иссиқ тандирдан
Ширмой нон исидан яйраб кетар тан.
Айвонда хотиржам дўпписин тикиб,
Ўтирган муштинар онамсан, Ватан.

Ташбеҳинг изласам, қалбим аршидан
Томчилар уммонга айланар бирдан.
Ўзбекистон деган юрт ардоғида,
Кўнглим осмонига айланган Ватан.

Ёлғиз

Бежирим кўчада югуради кун,
Бирдан савалайди ёмғир хивичи.
Дир-дир қалтирайди бекатлар юпун,
Булутнинг кўзидан тошар севиңчи.

Гоҳ осмон юзига тушириб ажин,
Уфқнинг бағрини яралар қақмоқ.
Гоҳ сокин фалакда ногора чалиб,
Борлиқни уйғотар момақалдирик.

Кумуш дончалар сачрар парижон,
Шундай манзарада шамол камтарин.
Тиним билмай ювар маржон томчилар,
Юзлари қорайган дунё дафтарин.

Хонамдан ташқари чиқаман аста,
Борлиқ узра мени кузатади вақт.
Эшигим ортида ивиб кетибди,
Чиқиб келишимни кутиб турган бахт.

Наврўза ЖАСУРОВА

Наманган вилояти

Болалик

Болалик — ортига қайтмас турналар,
Қанот силкиб кетар қатор ва қатор.
Ҳар сафар ёдимда минг хил турланар,
Ҳар сафар ўйласам, ўйларим бедор.

Меҳр нурларини сочиб саҳардан
Мурувват аталмиш гулбоёда ўсдим.
Бутун-чи, олисда шовқин шаҳардан
Муҳаббат ахтариб юрибман, дўстим.

Сен нени излайсан, мен не излайман,
Тўқнашиб кетади орзу-истаклар.
Мен ҳаққа элтувчи йўлни кўзлайман,
Сени шуҳрат деган дўстинг етаклар.

Болалик — ортига қайтмас турналар,
Қанот силкиб кетар қатор ва қатор.
Ҳар сафар ёдимда минг хил турланар,
Ҳар сафар ўйласам, ўйларим бедор.

Ўзим йўлдаману кўзларим кўкда,
Келар кунингизни айтинг, турналар.
Энди менинг дўстим манзили ўзга,
Менинг осмонимга қайтинг, турналар.

Ислом ҚЎЧҚОРОВ

Тошкент шаҳри

Ҳижрон

Фаслларни кутамиз кун-тун
Ҳар япроқ, ҳар навбада бир рўй.
Ишқ ишқ эмас, ишқ асли афеун,
Гулим, энди айрилиқни қўй...

Соғинч ғариб юрагимизга,
Жуда қаттиқ ёпишиб олган.
Сен, келаман, дединг билмай ва
Билмас эдинг айтганинг ёлгон.

Мен аҳволим юпун, йўлимга
Ҳижрон тўшар сап-сарик гилам.
Аммо умид экиб дилимга,
Мен юрибман сенга бахт тилаб.

Баҳор

Баҳор боғларингга
Йиқилди туман.

Қандай келишгандик
Ахир, сен билан.

О, яшил рангларга
Бурканган юрак.

Баҳор! Мени ташлаб
Кетмасанг керак.

Раҳмат БОБОЖОН

Хоразм вилояти

Ҳаёт

Атиргул юзига суртган упани
Кимдир чанг деб билар, ким эса занг деб.
Чумоли заҳматда епган суяни
Сув ювиб кетади оддий харсанг деб.

Йиллаб илҳақ бўлган битта сўзининг
Кимдир кимларгадир қулда айтади.
Қанча саволларга кўмма ўзининг
Барибир жавоби сенга қайтади.

Ҳаётдан маънони излама беҳуд,
Сен ҳаётга маъно беришинг мумкин.
Ҳақиқатан бахтлар бўлади мавжуд
Яшашни ўзингдан бошлаганинг кун.

Муҳаббат

Покиза муҳаббат билан чин севсанг,
Сени ҳам севгайлар бир кун бегумон.
Самога тилакдан бир нур юборсанг,
Ёмғирдай мўъжиза сенади осмон.

Ҳеч нима жавобсиз қолмагай ахир,
Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан эса бор.
Ҳар неки туюлса маънисиз, тахир,
Эҳтимол, англашга эмассан тайёр.

Нафратдан, ғафлатдан ўзингни қутқар,
Севавер, севига ташна ҳаётини.
Охири биргина қамб бўлиб чиқар,
Недир қутқаролса гар одамзодини.

Гулноза КАРИМОВА

Самарқанд вилояти

Қатралар

Ёлғиз қолдириш

Ҳовлида ойнинг нурларига ҳамоҳанг алла
янгради.

- Онаси, ўғлимиз ухлаб қолдимиз?
- Ухлаётгандир.
- Телефонга анча кўниқиб қолдимиз?
- У билан ётиб-тургандан кейин, ўрганади-да!
- Яна янги русумдагиси чиқибди.
- Қанақаси, зўрмикан?!
- Зўр экан, янгиликларда кўрсатди!
- Кейинги ҳафтада болакай янги русумли телефондан алла эшита бошлади. Вақт ўтаверган сари янги телефонлар уни жаҳлдор, чинқирок, қайсар қилиб қўйди. У тўрт ёшга тўлгач деди:
- Мени телефоним билан ёлғиз қолдириш...

Ўбрат

Куни бўйи егулик излаб ҳолдан тойган бир
одам йўлда тинмай Худога нола қилиб
борарди.

— Эй Худо, мен ҳам одамларга ўхшаб яша-
гим келади. Аммо сен ҳамиша мени ўз неъма-
тингдан бенасиб қолдирасан. Шу сабаб иш-
лаб пул топишга билагимда мадор йўқ, — дер-
ди у тинмай.

Шу пайти унинг рўпарасидаги дарахт барг-
лари шитирлаб, олтиндек товланиб беш дона
олма тушди. Табва, ҳозир у дарахтнинг барг-
лари орасидан мева излаган ва тополмаган
эди. Шовиш-пишиш уларни ейишга тушди.

Унинг билағида куч пайдо бўлди. Бирок у ётиб
ухлаб қолди. Уйғониб яна нола қилишда давом
этди. Аммо на кўкдан, на ердан садо бўлди.

Муҳаббат ИСМАТОВА

Жиззах вилояти

Болалар адабиёти

Биз шу юртнинг эркаси

Ўзбекистон бағрида,
Унган гулу лоламиниз.
Хур диёрнинг эркаси,
Асал, ширин боламиниз.

Орзулари бир олам,
Гул-гул унган чечакминиз.
Ўзбекистон эртаси —
Биз қутлуг келажакминиз.

Момолари маталчи,
Боболари бахшидир.
Истиқлол кўксимизда
Фахру гурур нақшидир.

Ҳар куни минг бир ютуқ,
Омад кучиб оламиниз.
Хурликдан олиб қувват,
Дадил олға борамиз.

Кўксимдаги дури

Осмони соф, мусаффо,
Замини тенгсиз сафо,
Ҳар гиёҳи минг даво,
Кўксимдаги дур-тиллам,
Бебаҳо, танҳо ўлкам.

Ойдан ойдин эшити,
Бек ўстирар бешига,
Бахт таратар кўшиғи,
Кўксимдаги дур-тиллам,
Бебаҳо, танҳо ўлкам.

Ўтдек чақнар овози,
Қудратлидир парвози,
Давру давроним сози,
Кўксимдаги дур-тиллам,
Бебаҳо, танҳо ўлкам.

Қанг

Ойим яна бақирди:
— Ақлинг қотганим бироз.
Ёстинингнинг остидан,
Ҳар кун чиқар қандоғоз.

— Вой, ҳайронман, ойижон,
Бир қогозга шунча панд.
Нетардингиз ёстигим
Остидан чиққанда қанд?!

Зулфизар МАВЛОНОВА

Бухоро вилояти



АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

Ўзбек мумтоз адабиётини ғазал мулкнинг султони, ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий ижодисиз тасаввур қила олаймиз. Буюк мутафаккир нодир асарлари билан туркий тилимизнинг нақадар нафис ва сержило эканини амалда исботлаб берди. Биргина «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида тилимизнинг имконлари бошқа тиллардан қолишмай-диган даражада экани кўрсатиб берилган ва туркий тилдаги бир феълнинг 99 та варианты мисол келтирилган. «Хамса» асарининг айнан она тилимизда ёзилишининг ўзи оламшумул воқеа бўлди. Бу чашмадан сув ичган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат сингари не-не улуг шоирларимиз ўз ҳаётлари мобайнида Навоий ижодига қайта ва қайта мурожаат қилганлар, уни ўзига устоз билганлар.

Қорақалпоқ адабиёти тарихига назар ташлар эканмиз, Аҳиниёз Қўсибой ўғли, Бердақ Қарғабой ўғли каби буюк сиймолар ҳам Навоий ижодини ўрганишгани ва унинг таъсирида ўз ижод намуналарини яратишганини кўраемиз. Бердақнинг «Навоийдан савод очдим» дея ёзишининг ўзидек юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. Аҳиниёз эса, Навоий кўплаб мурожаат қилган бахрларда ғазаллар битган. Бугунги кунда Алишер Навоий адабий ме-

роси қорақалпоқ маънавий қадриятининг ажралмас бир қисми сифатида қадрланади. Ўзбек шоирларининг асарларини қорақалпоқ тилига ўғириш масаласи XX асрнинг 30-йилларидан бошланган.

Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан «Фарҳод ва Ширин» достони М.Дарибев таржмаларида, «Лайли ва Мажнун» достони А.Шамуратов таржмасида нашр этилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг шоир Байниёз Қайназаров «Ҳайрат ул-аброр» достонини қорақалпоқ тилига ўғирди. Жўлмирза Оймирзаев ва Наврўз Жапақов айрим ғазалларни қорақалпоқчага таржима қилди. Матен Матназаров 1961 йилда Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини қорақалпоқ китобхоналарига тақдим этган бўлса, Даулен Айтмуратов томонидан таржима қилинган улуг шоир ғазаллари 1977 йилда нашр қилинди.

Кейинги йилларда ҳам қорақалпоғистонлик ижодкорлар Навоийга қайта-қайта мурожаат этишмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг мухаммаслари, истеъдодли шоирлар Абулқосим Ўтепбергенов, Туркменбой Жиямуротовнинг ғазаллари, Шарафалдин Аяпов, Жабборберган Шамуратов томонидан

иккинчи умрини бошлайди. Таржимадан асарнинг қанчалик аслиятга яқин чиқиши таржимоннинг маҳоратида боғлиқ. Асрлар давомида бир қанча авлодларга хизмат қилган таржималар борлиги ҳаммага маълум. Лекин, умуман, асл нусхага нисбатан таржиманинг умри қисқалигини эътироф этиш керак.

Аслият ўзгармаслиги билан намуна ҳисобланса, таржима замонлар, маконлар, авлодлар, диқдар, эстетик тасаввурлар тафовутига дуч келган ҳолда бот-бот ўзгариб туради. Баъзан шундай бўладики, юз йиллар давомида бизгача етиб келган шеърый обидалар бир авлоднинг ҳаёти давомидаёқ ўн мартабав таржима қилиниши мумкин. Лекин ўйлаймизки, юқорида номлари тилга олинган таржимоналимиз томонидан ўғирилган ижод намуналари замонлар ва маконлар талабларига жавоб берган ҳолда, асрлар оша келажак авлодларга етиб боради.

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Аҳиниёз номидаги
Нукус давлат педагогика институтини
магистранти

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Медиа марказидаги компьютер-мониторда тарихий суратлар жамламаси бор. Унда 1989 йил, Янги йил арафасида фахрий ёрлиқ билан мукофотланган бир гуруҳ ижодкорлар қаторида таниқли суҳандон Насиба Мақсудованинг юзида табассум, ҳаётдан қониқиш, ўз касбидан, умридан розилик белгилари уфуриб турибди. Касб байрами баҳонасида улар билан бўлиб ўтган ижодий мусоҳабалар ёдга тушди.

«ДИЙДОР ШИРИН»нинг оҳанрабои



дилдан суҳбат қурадди. Томошабинлар ўзлари соғинган чехрани кўришдан, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янгиликлардан хабар топаётганларидан шод бўлишарди. Ток-шоу иштирокчиларининг дастурхон атрофида йўғилишлари, санъаткорларнинг жонли ижродаги куй-қўшиқлари, раққосалар хиромлари даврага файз киритарди.

Бир даврада кекса онахонлар билан ўтириб қолдим. Шулардан бири, "Мана, Насиба Мақсудова биз тенги, юришини қаранглар, шу кўрсатувни кўрсам, эртасига ҳаётга бошқачароқ қарай бошлайман, ўзимга қаргим, яшагим, турмуш ўртоғимга яхши гаплар айтагим келади", деб қолди. Телевидение ҳақида ҳар хил гаплар айтади, лекин бу фикрлар шу қадар ҳаётий эдики, ўшанда телевидение одамларда яшашга куч, иштиёқ уйғотолса, демак, жуда катта куч экан, деб ўйладим. Ёдимда, 2016 йили "Гранд Мир Отель" меҳмонхонасининг ички боғида 3 май – Матбуот эркинлиги куни муносабати билан ўтказилган бир тадбирда Насиба опани учратиб қолдим. Атрофда йигирма-ўттиз ёшлардаги йигит-қизлар, вилот телевидениеларининг шу ёшдаги бошловчилари, режиссёрлари, тасвирчилари. Опани қўйиб юборгилари келмайди. "Насиба опа, сизга "Дийдор ширин" ҳақида мухлисларингизнинг фикрларини айтиб қўймоқчиман, халқона кўрсатув учун Сизга раҳмат", дедим. Қулиб турган опа тўсатдан йиғлаб юборди, ўзимнинг ҳам қўзимдан ёш чиқиб кетди. Бундан йигирма йиллар аввал номзодлик диссертацияси устида ишлаётган кезларим Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги тахмалар орасида "Ёшлик" студиясида тайёрланиб эфирга узатилган "Телевизион миниатюралар театри", "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" сингари кўрсатувлар сценарийларини ўрганиб туриб, ўша йиллар машҳур бўлган "Ҳазалхон ёшлигим" кўрсатуви жилдларини кўздан кечиришдан, тўсатдан таниш исм-фамилияларга қўшим тушиб қолди. 1965 йили Тошкент давлат университети журналистика факультети ўқитувчиси Мухтор Худойкулов биринчи курс талабалари билан "Нега журналист касбини танладим?" деган мавзуда ўтказган савол-жавобидан ўзига энг манзур келганини ўқиб бераркан, унда журналистлик касбини танлаган, асли шифокорлар оиласидан бўлган ўн етти ёшли қиз одамлар орасида юриш, уларнинг муаммолари билан яшаш, улар ҳақида ёзиш қалбидagi энг катта орзуи бўлгани, телевидение унинг ҳаёти мазмунини экани ҳақида ёзганди. Ана шу қизнинг исми Насиба Мақсудова эди. Телевидение экранининг бекиёс оҳанрабои бор. Ана шу жозига туфайли ҳали кўп замонлар кўнгилларни ўзига тортаверади. Шуниси ҳам борки, телевидение меҳнаткаш, дили тоза, ҳалол ва самимий одамларга эл эътиборини тўхфа этади. Ана шундайларга Насиба Мақсудова сингари фидойиларга хос шижоат, меҳнаткашлик, айниқса, ҳаётнинг ҳар қандай зарбасига қарамай, кўтаринки руҳ билан яшаш ва ҳаёт деган неъматга улкан муҳаббат туйғулари ҳамisha ёр бўлсин.

Ильмира РАХМАТУЛЛАЕВА,
санъатшунослик фанлари номзоди

"Олтмишинчи йиллар аввали эди. Телеэкранда чехраси ёрқин, ўрим сочлари, дўпписи ўзига ярашган, тили бийрон қизалоқ пайдо бўлди-ю, тезда томошабинлар назарига тушди, — деб ёзганди таниқли суҳандон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фарҳод Бобоҷонов Насиба Мақсудова ҳақидаги хотирасида. — У дастлаб серҳаракатлиги ва билимдонлиги сабаб ўзи тенги ёшлар қатори устоз Неъмат Дўстхўжаев сабоқларини олиб, радиоэшиттиришларда бошловчилик қилди. Мактабда ҳам бошқа ўқувчиларга ўрнак бўларли таълим олди. Насиба билан деярли ёшимиз барабар бўлса-да, мен радио ва телевидение суҳандонлари сафига сал кейинроқ — 60-йилларнинг ўрталарида кириб келганман. Ўша пайтлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ижодий жараёнларда қатнашдик ва бу муносабат узоқ йиллар давом этди." Телевидение фахрийси Элбек Мусаев хотиралашича, Ўзбекистон телевидениеси 60 — 70-йилларда жадал ривожланган. Ўшанда кўрсатувлар сифати жиҳатидан Москва, Ленинград телевидениеларидан қолишмаган. Албатта, бунда шу даргоҳнинг юзлаб захматкашлари — оғир камерада ишлайдиган тасвирчидаан тортиб овоз режиссёри техник ходимлар, муҳаррир, режиссёрлар қатори кўрсатувларнинг юраги ҳисобланган суҳандон йигит-қизларнинг хизмати катта бўлган. Насиба Мақсудова айна шу йилларда халқимиз

Яхшилар ёди

эътиборига тушган сеvimли Насибаларнинг навқирон вакили эди. Суҳандон сифатида у нафақат ташки гузаллик, балки ички маданият соҳиби, ўзида миллий маънавиятнинг гўзал қирраларини уйғунлаштира олганди. 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлиқ ҳолда суҳандонлар ўрнини журналистлар эгаллади, кўрсатувни уни тайёрлаган ижодкорнинг ўзи олиб бориши урфга кирди. Суҳандонлик касбига эҳтиёж қолмагандек туюлди. Шундай пайтда кимдир ўзини тижоратга ўрди, касбини ўзгартирганлар ҳам бўлди. Айна шу даврда Насиба Мақсудова "Ассалом, Ўзбекистон!" тонги дастурининг фаол бошловчиларидан бирига айланди. Бу кўрсатув ҳар тонг юртдошларимиз хонадонига ижтимоий, маданий соҳалардаги янгиликлар, ажойиб инсонлар билан суҳбатлар орқали яхши кайфият улашиш истагида кириб келарди. Н.Мақсудова ўн беш йил давомида шу кўрсатувнинг энг яхши бошловчиларидан бири бўлиб қолди. Одатда, таниқли кишиларнинг бошловчилик қилиши кўрсатувнинг муваффақиятини таъминлайди. Насиба опа айнан шундай бошловчилардан бири эди. Ўзбекистон Миллий университети ректори, таниқли геолог олим, академик Тўрабек Долимов билан олиб борилган "Ассалом, Ўзбекистон!"даги кўрсатув ёдимда. Суҳбат сўнигида олим дуторда куй чалиб берганди. Телевидение ходими учун энг катта бахт, албатта, кимнингдир "Ха, кўрсатувингизни кўрдим, яхши", дейишидир. "Озод ака (Шарафиддинов — И.Р.) телефон қилдилар кеча. Кўрсатувим ёқибди". Шанбани кутиб ўтираман, дейдилар, деганди опа хурсанд бўлиб. Бир гал Ортиқ Отажонов билан суҳбат қуришди. Шунда ҳофиз қўшиқ айтаётганида опа рақсга тушганди. Бундай кўрсатувлардан жозига, самимият уфуриб турарди. Назаримда, Насиба опанинг "Дийдор ширин" кўрсатуви камдан-кам бошловчиларга насиб қилади. Ушбу дастурнинг лойиҳаси ҳам унинг ўзига тегишли эди. Нодавлат телевидениелар тармоғида тайёрланган бу кўрсатувгача опа турли жанрда қўллаб кўрсатувларни тайёрлашга ҳаракат қилган. Лекин улардан кўнгли тўлмаган. — "Дийдор ширин" содда услубда бўлса-да, мазмунан теран, халқимизнинг азалий қадриятларига хос кўрсатув эди, — дея хотирлайди Шерзод Фуломов. — Дастлабки сонлариданоқ томошабинлар эътиборини тортди ва оммалашди. Айниқса, унинг бир қисми дунёдан ўтган машҳур адиб ва шоирлар, эл севган санъаткорлар хотирасига бағишлангани кўрсатув нуфузини янада оширди. Яна шуниси эътиборга молиқки, Насиба Мақсудова кўрсатувга халқимиз орасида кенг танилган, бироқ турли сабабларга кўра, маълум вақт экран ва сахналарда кўринмай қолган санъаткорларни таклиф этар, улар билан қисқа бўлса-да,

"Ўзбеккино" миллий агентлиги Ўзбекистон киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти
Хусан ШАРИПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2018-2019 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади:

I. БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

Шифр	ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Жами	Давлат грантлари асосида				Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:		
				ўзбек	рус		ўзбек	рус	
	ОТМ бўйича жами:	655	153	113	40	502	382	120	
	Тошкент шаҳри бўйича жами:	490	109	96	13	381	329	52	
	шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича								
5111000	Касб таълими (йўналишлар бўйича):	25	10	9	1	15	11	4	
5111057	Касб таълими: халқ ижодиёти (чолғу ижрочилиги)	15	7	7		8	8		
5111063	Касб таълими: халқ ижодиёти (вокал ижрочилиги)	10	3	2	1	7	3	4	
5150200	Санъатшунослик (турлари бўйича):	20	5	5		15	15		
5150207	Санъатшунослик: сахна ва экран санъати драматургияси	7	2	2		5	5		
5150208	Санъатшунослик: кино санъати танқиди ва таҳлили	13	3	3		10	10		
5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича):	60	15	14	1	45	41	4	
5150301	Актёрлик санъати: драматик театр ва кино актёрлиги санъати	16	4	4		12	12		
5150302	Актёрлик санъати: мусиқаи театр актёрлиги санъати	16	4	4		12	12		
5150303	Актёрлик санъати: кўнчроқ театри актёрлиги санъати	16	4	4		12	12		
5150304	Актёрлик санъати: эстрада актёрлиги санъати	12	3	2	1	9	5	4	
5150400	Режиссёрлик (турлари бўйича):	40	10	8	2	30	18	12	
5150404	Режиссёрлик: кўнчроқ театри режиссёрлиги	10	2	2		8	4	4	
5150402	Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги	12	2	2		10	6	4	
5150403	Режиссёрлик: кино ва телевидение режиссёрлиги	18	6	4	2	12	8	4	
5151800	Санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш	25	5	5		20	20		
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	10	2	2		8	8		
5151500	Кинотелеоператорлик	10	2	2		8	8		
5151600	Халқ ижодиёти (турлари бўйича):	75	15	15		60	60		
5151602	Халқ ижодиёти: фольклор ва этнография	35	7	7		28	28		
5151605	Халқ ижодиёти: ашула ва рақс	40	8	8		32	32		
5151700	Маданият ва санъат муассасасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	50	10	7	3	40	26	14	
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)	150	30	24	6	120	102	18	
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти: кутубхоначилик ва библиография	150	30	24	6	120	102	18	
5610400	Ижтимоий-маданий фаолият	25	5	5		20	20		
	Нукус филиали бўйича жами:	95	27		27	68		68	
	шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича								
5150200	Санъатшунослик (турлари бўйича):	10	2		2	8		8	
5150207	Санъатшунослик: сахна ва экран санъати драматургияси	10	2		2	8		8	
5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича):	14	4		4	10		10	
5150301	Актёрлик санъати: драматик театр ва кино актёрлиги санъати	14	4		4	10		10	
5150400	Режиссёрлик (турлари бўйича):	8	3		3	5		5	
5150404	Режиссёрлик: кўнчроқ театри режиссёрлиги	8	3		3	5		5	
5151400	Техноген санъат (турлари бўйича):	8	3		3	5		5	
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	8	3		3	5		5	
5151500	Кинотелеоператорлик	10	2		2	8		8	
5151600	Халқ ижодиёти (турлари бўйича):	10	4		4	6		6	
5151600	Халқ ижодиёти: вокал ижрочилиги	10	4		4	6		6	
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	10	4		4	6		6	
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича):	25	5		5	20		20	
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти: кутубхоначилик ва библиография	25	5		5	20		20	
	Фарғона минтақавий филиали бўйича жами:	70	17	17		53	53		
	шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича								
5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича):	25	5	5		20	20		
5150302	Актёрлик санъати: мусиқаи театр актёрлиги санъати	25	5	5		20	20		
5150400	Режиссёрлик (турлари бўйича):	5	2	2		3	3		
5150400	Режиссёрлик: мусиқаи театр режиссёрлиги	5	2	2		3	3		
5151600	Халқ ижодиёти (турлари бўйича):	20	5	5		15	15		
5151602	Халқ ижодиёти: фольклор ва этнография	20	5	5		15	15		
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)	20	5	5		15	15		
5350600	Кутубхона-ахборот фаолияти: кутубхоначилик ва библиография	20	5	5		15	15		

II. МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ:

Шифр	МУТАХАССИСЛИКЛАР	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус**		ўзбек	рус
	ОТМ бўйича жами:	43	12	12		31	26	5
	шу жумладан, мутахассисликлар бўйича							
5A150201	Театр санъати	5	1	1		4	4	
5A150203	Санъат назарияси ва тарихи (киношунослик)	4	1	1		3	3	
5A150301	Актёрлик санъати (турлари бўйича)	8	2	2		6	4	2
5A150301	Актёрлик санъати:драматик театр ва кино актёрлиги санъати	3	1	1		2	2	
5A150301	Актёрлик санъати:қўғирчоқ театр актёрлиги санъати	2	1	1		1	1	
5A150301	Актёрлик санъати:эстрада актёрлиги санъати	3	1	1		3	1	2
5A150401	Режиссёрлик (турлари бўйича)	4	1	1		3	3	
5A150401	Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги	2				2	2	
5A150401	Режиссёрлик: кино ва телевидение режиссёрлиги	3	1	1		1	1	
5A151401	Овоз режиссёрлиги: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	3	1	1		2	1	1
5A151501	Кинооператорлик	2	1	1		1	1	
5A151502	Телеоператорлик	3	1	1		2	1	1
5A151601	Халқ ижодиёти (турлари бўйича)	7	2	2		5	5	
5A151601	Халқ ижодиёти: фольклор ва этнография	2	1	1		1	1	
5A151601	Халқ ижодиёти: ашула ва рақс	3	1	1		2	2	
5A151601	Халқ ижодиёти: чолғу ижрочилиги	2				2	2	
5A151701	Маданият ва санъат соҳаси менежменти	3	1	1		2	1	1
5A610401	Маданиятшунослик	4	1	1		3	3	

III. МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМИ:

Шифр	ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	Жами	Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус
	ОТМ бўйича жами:	50	50	40	10
	шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича				
5150300	Актёрлик санъати (турлари бўйича):	50	50	40	10
5150302	Актёрлик санъати: мусиқали театр актёрлиги санъати	50	50	40	10

GREEN MED STAR

клиник шифохонаси жамоаси мамлакатимиздаги барча ижод аҳлини
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ –
 касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Уларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий кайфият ҳамиша ёр бўлсин!



Замонавий тиббиёт жиҳозлари билан
 таъминланган шифохонамизда
 стационар ва кундузги ўринлар мавжуд
 бўлиб, унда тажрибали мутахассислар –
 терапевт, кардиолог, невропотологлар
 хизмат кўрсатишади.



**ШИФОХОНАМИЗДА ЖАҲОН
 СТАНДАРТЛАРИГА МОС
 УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВ
 АППАРАТИДАН ФОЙДАЛАНГАН
 ҲОЛДА ҚҲЙИДАГИ КУЗАТУВЛАР
 АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:**

- ▶ Ҳомиланинг ультратовуш текшируви (расм, СД дискда ёзиш).
- ▶ Юракни ультратовуш текшируви (ЭХОКГ доплер билан).
- ▶ Сийдик ажратиш тизимини ультратовуш текшируви.
- ▶ Қалқонсимон ва кўкрак сути безини ультратовуш текшируви.
- ▶ Қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовуш текшируви (жигар, ўт қопи, ошқозон ости беи, талоқ).
- ▶ Артерия ва вена қон томирларининг ультратовуш текшируви (доплер).



Шунингдек, лаборатория текшируви, УТТ, ЭКГ ва бошқа тиббий хизматлар ҳамда барча турдаги массаж, умуртқа поғонасини тортувчи мослама, дарсенвал, сауна-бассейн каби бир неча хил физиотерапия муолажалари ҳам мавжуд.

Манзилимиз: Сергели тумани, Бирлик кўчаси 66-а уй.
 Мурожаат учун телефонлар: (90) 187-41-73, (95) 170-41-73



Муассис:
 ЎЗБЕКИСТОН
 ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
 Ҳалқор.лари.ми.з:
 ЎЗБЕКИСТОН
 БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ



akfa



**O'zbekiston
 adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
 муҳаррир
 Ўктам
 МИРЗАЁР

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
 Адади — 7815. Буюртма Г — 682. Ҳажми — 3 босма тавоқ А-2.
 Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

Тахририятга келган кўлхазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.
 Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
 Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
 Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
 Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.35

ЖУМА КУНАЛАРИ
 ЧИҚАДИ.



СОТУВДА НАРХИ
 ЭРКИН.

ISSN 2183-634X

